

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИНГ ФИСКАЛ САМАРОДОРЛИГИ

Абдулхаева Шахноза Мухаммадиевна

ТДИУ таянч докторанти

ДТПИ ўқитувчиси

sh.abdulkhaeva@tsue.uz

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини шакллантиришда ҚҚСнинг роли ҳамда ҚҚС назарий ёндашувлар ёритилган. ҚҚС тушумлари, ҳамда унга таъсир этучи омиллар таҳлил қилиниб, унинг давлат бюджети даромадларининг йиғилувчанлигини ошириш мақсадида хулоса ва таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: давлат бюджети, солиқлар, солиқ тизими, эгри солиқлар, ҚҚС, акциз солиғи, солиқ назорати

Аннотация: В статье рассматривается роль косвенных налогов в формировании государственного бюджета Республики Узбекистан и теоретические подходы НДС. Анализируются доходы от НДС, а также факторы, влияющие на них, и делаются выводы и предложения с целью повышения собираемости доходов государственного бюджета.

Ключевые слова: государственный бюджет, налоги, налоговая система, косвенные налоги, НДС, акциз, налоговый контроль

Annotation: The article describes the role VAT in the formation of the state budget of the Republic of Uzbekistan and theoretical approaches to indirect taxes. Income from VAT, as well as the factors influencing it, are analyzed, and conclusions and suggestions are made in order to increase the collectibility of the income of the state budget.

Key words: state budget, taxes, tax system, indirect taxes, VAT, excise tax, tax control

Кириш (Introduction)

Жаҳон амалиётида иқтисодиётни ривожлантириш учун солиқ тизимини такомилаштириш муҳим аҳамиятга эга. ҚҚС бугунги кунда аксарият давлатлар сингари Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини шакллантираётган асосий солиқлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарали солиқ сиёсати, унинг иқтисодиёт тараққиёти равнақи учун муҳим механизм эканлиги, шунингдек, солиқ сиёсатидаги

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

шиддатли ислоҳотларнинг боришига, бу соҳага оид солиқ амалиётидаги тизимли ўзгаришларни реал баҳолашни белгилаб беради. Шу нуқтаи-назардан давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлашда эгри солиқлар улушкини ошириш масалаларини ўрганиш мухим ҳисобланади.

Давлат бюджети даромадлар қисмини таъминлашда ҚҚС салмоғи анча юқори бўлмоқда. Бу эса бюджет даромадларини мустаҳкамлайди, бюджетдан бўладиган ижтимоий зарурӣ харажатларни узлуксиз ўз вақтида мустаҳкам молиялаштириш имконини беради. ҚҚС давлат бюджетини шакллантирувчи энг асосий солиқ туридир. Шунинг учун ҚҚС ундиришни такомиллаштириш мухим аҳамиятга эга бўлиб, янги технологик ечимларни излаш, солиқнинг янги шаклларини ривожлантириш, яширин маълумотларни аниқлаш, солиқ ва йиғимларни тўлаш бўйича мажбуриятларни бажариш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш солиқ назорати самарадорлиги ва шаффоғлигини ошириш, солиқ маълумотлари алмашинуви жараёнларини стандартлаштириш, солиқ ундиришдаги таркибий ўзгаришлар илмий-тадқиқотлар қўламини янада кенгайтириш мақсадга мувоғиқ ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)

ҚҚС солиқлар тўғрисида турли хил ёндашувлар мавжуд. Қуйида ҚҚС иқтисодиётдаги ва давлат бюджетини шакллантиришдаги ўрнига доир назарий қарашларни кўриб чиқамиз.

Пасков фикрига кўра, ҚҚС жорий қилиниши савдо солиғининг самарасизлиги учун уни алмаштиришнинг мажбур бўлган. Савдо солиғи тизимида товар ишлаб чиқарилишидан олдин, аввало, ишлаб чиқарилган материаллар (хом ашё, материаллар ва бошқалар) солиқ ундирилади, сўнгра товар кириш солиғи юки билан озод қилингандан сўнг, товарлардан яна солиқ ундирилади. Бу эса адолатсиз икки томонлама солиқ солишга олиб келади.

Немис иқтисодчиси фикрига кўра Алберт Схеффле "давлат шахснинг ўртача солиқ қобилиятига эга бўлганлари; жисмоний шахсдан ўтиб кетиш учун - тўловчининг ҳақиқий солиқ қобилиятини фақат солиқ солинадиган субъектларнинг ўzlари билиши мумкин, давлат барча фуқаролардан даромадларини жамғариш ва истеъмол қилиш актларида ўzlари кўрсатган даражада солиқ солади ва бу солиқлар билвосита ҳисобланади".

Г.Д. Черник эгри солиқларнинг яширин хусусиятини ижобий жиҳат сифатида таърифлаб, "харажатларга солинадиган солиқлар доимий ва

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

сезилмасдан ундурилганлиги сабабли энг кам малол келтиради” деб таъкидлайди¹.

Мамлакатимизнинг етакчи иқтисодчи олими Т.С.Маликов қўшилган қиймат солиғининг моҳиятини ёритишда қўйидагиларни таъкидлайди «қўшилган қиймат солиғининг моҳиятини тўлиқ идрок этиш учун таркибига хом-ашё, материаллар, ёқилги, энергия, асосий ва қўшимча иш ҳақи (ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар билан биргаликда), асосий фондларнинг амортизацияси ва бошқа ҳаражатларнинг қиймати кирувчи ишлаб чиқариш ҳаражатларининг элементларига мурожаат қилмоқ зарур» Олим томонидан қўшилган қийматнинг моҳияти ва элементларни батафсил баён қилинган. Ш.Тошматов қўшилган қийматни қўйидагича эътироф этади: “Кўшилган қиймат деганда, ашёвий ресурслар харид баҳосига хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қўшилган, товар ва хизматларнинг бозорда сотилиш нархига кирган устама қиймат тушунилади ва товар ҳаражатлари, нафлилигини бозор тан олган ҳамда уларнинг пул эквиваленти берилганлигини билдиради. Товар ва хизматларга қўшилган қийматнинг миқдорини аниқлаш, бу товар сотилгандан кейингина амалга оширилиши мумкин. Бундан шу нарса келиб чиқадики, қўшилган қиймат бу ишлаб чиқаришнинг пировард натижасидир³.

Шуни эътиборга олиш жоизки, қўшилган қиймат солиғи билвосита солиқларнинг функционал элементларидан биридир. Унинг тўловчилари истеъмолчилар бўлиб ҳисобланади. Қўшилган қиймат солиғини ана шундай табиатидан келиб чиқсан ҳолда, унинг моҳиятини ифодаловчи даражада таъриф бериш мақсадга мувофиқдир⁴.

Яҳёев.К. “бильвосита солиқлар товар (иш, хизмат) қиймати устама равища кўйилади” дея эътироф этишган. Бильвосита солиқларга товарни сотиш нархида тўланадиган ёки тарифга киритилган товар ва хизматларга солинадиган солиқлар киради, яъни бильвосита солиқларнинг пировард тўловчиси бўлиб, товар истеъмолчиси майдонга чиқади, унинг зиммасига солиқ нархда кўзда тутилган устамалар орқали юкланади.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology)

¹ Черник Д. Г. Налоги: учеб. – М.: Финансы и статистика, 2009, с. 153.

² Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. — Тошкент: «Академия», 2002. - 14-6

³ Ш.Тошматов Кўшилган қиймат солиғи монографияси, Тошкент: “Иқтисодиёт ва хукуқ дунёси”; 2004 15 б.

⁴ Гадоев Э., Кузиева Н., Ашурев Н. “Солиқ сиёсати стратегияси” фани бўйича ўқув қўлланма. – Тошкент. - 2013. 102- бет

Ҳар қайси олинган илмий тадқиқот ишининг муҳим босқичларидан бири бу тадқиқот методологияси саналади. Мазкур мақолада ҳам илмий тадқиқотнинг умумий ва алоҳида олинган тадқиқот методларидан фойдаланилди. Давлат бюджети шаклланишининг илмий-назарий таҳлил қилиниб, муаммога оид илмий тадқиқотчилар ва мутахассисларнинг илмий-назарий қарашлари ўрганилди. Расмий ва амалий материалларга асосланган ҳолда синтез ва таҳлил усулларга асосланиб илмий хulosалар олинди, эгри солиқларнинг тушумларига таъсир этадаган омиллар ўрганилиб, мантиқий ва таққослама, абстракт-мантиқий фикрлаш ҳамда статистик усулларни қўллаш орқали таҳилларга асосланган ҳолда илмий-амалий таклифлар шакллантирилди.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

ҚҚС бугунги кунда аксарият давлатлар сингари, Ўзбекистон Республикасида ҳам давлат бюджетини шакллантиришдаги энг истиқболи билвосита солиқ турларидан бири бўлиб, солиқ тизимининг ажralmas қисми ҳисобланади. 2024 йилда билвосита солиқлар Давлат бюджети даромадларнинг асосий қисмини ташкил қилиб, умумий даромадлар прогнозининг 41,3 фоизини ташкил этади. Қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумлар 74,0 трлн сўмни, акциз солиғи бўйича тушумлар 22,7 трлн сўмни, ёки божхона божлари бўйича тушумлар 14,8 трлн сўмни ташкил этади. 2024 йилда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари тақчиллиги 3,1 фоиз миқдорида прогноз қилинаётган бўлиб, 2025–2026 йилларда тақчиллик 1,8-2,2 фоизгача пасайиши прогноз қилинган⁵

Бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммаси ҳар бир солиқ даври якунлари бўйича, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги солиқ Кодекснинг 265-моддасига мувофиқ товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир операцияларнинг солиқ базасидан, тегишли солиқ даврига тааллуқли бўлган айланмаларни амалга ошириш санасидан келиб чиқсан ҳолда, тегишли солиқ даврида солиқ базасини кўпайтирадиган ёки камайтирадиган барча ўзгартишлар ҳисобга олинган ҳолда ҳар бир солиқ даврининг якунларига кўра ҳисоблаб чиқарилади.

Солиқнинг умумий суммаси ушбу Кодекснинг 254-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ базасининг солиқ ставкасига мос келадиган фоизли улуши сифатида ҳисоблаб чиқарилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарларнинг ҳар бир гурухи бўйича алоҳида аниқланса, ҚҚС солиқ суммаси мазкур солиқ базаларининг ҳар бири бўйича алоҳида

⁵ Бюджетнома 2024-2026 йил. Тошкент 2023 йил.

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

Хисоблаб чиқарилиб солиқнинг умумий суммаси базаларининг ҳар бири бўйича алоҳида хисоблаб чиқарилган солиқ суммаларини қўшиш орқали хисоблаб чиқарилади.

Қўйидаги 1-жадвалда билвосита солиқ турлари бўйича 2018-2024 йиллар мобайнида солиқ тўловчилар сонини таҳлил қилишимиз мумкин.

1-жадвал

Республика бўйича 2018-2024 йилларда билвосита солиқ турлари бўйича тўловчилар сони (нафар)⁶.

Кўрсаткичлар	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024
Республикада жами билвосита солиқ тўловчилар сони	39043	88149	119329	148130	14990	169039	188088
шу жумладан							
КҚС тўловчилари сони	38 745	84 479	115 572	143 701	145410	164449	183488
Акциз солиги тўлов-чилари сони	298	3 670	3 757	4 429	4580	4590	4600

1-жадвал таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, республикада жами билвосита солиқ тўловчилар сони 2018 йилга нисбатан 2024 йилда солиқ тўловчилар сони қарийб 4,5 баравар ошган. Билвосита солиқ тўловчиларнинг аксарият қисми қўшилган қиймат солиги тўловчиларини ташкил этиб, 2018 йилдан бошлаб қўшилган қиймат солиги тўловчилари сони кескин ошган. Бундай

⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва www.stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

ўзгаришга сабаб 2017 йил 18 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуритчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йифилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”⁷ги ПФ-5116 сонли фармони биноан солиқ маъмурчилиги тизимида энг илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш устувор вазифа этиб белгилангандигидир.

**Кўшилган қиймат солиғи тўловчиларнинг 2020-2023 йиллардаги
кўрсаткичлари тўғрисида солиштирма
МАЪЛУМОТ⁸**

млрд.сўмда

№	Кўрсаткичлар	йиллар			
		2020	2021	2022	2023 (6 ойлик)
I	Тўловчилар сони	113 566	143 034	175 604	187 868
2	Жами товарларни (хизматларни) реализация қилиш айланмалари	785 989,6	104 7986,2	1 397 314,9	788 114,1
3	Ҳисобга олинадиган КҚС	93 066,2	116 332,7	136 862,0	68 605,5
4	Ҳисобланган КҚС	116 483,5	133 889,1	148 765,7	72 110,6
5	Бюджетга тўланган	20 485,6	25 572,2	32 812,0	15 849,0
6	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан (%)	6,7	7,2	8,0	7,4

⁷ <https://lex.uz/docs/3271159>

⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

7	Ундирувчанлик, %	0,0	0,0	66,3	72,6
8	Гувоҳнома нофаоллиги сабабли ҳисобга олинмаган ҚҚС	x	x	1 715,0	627,0
9	Тўлаб берилган	x	x	484,9	125,4
10	Ортиқча тўлов камайган	x	x	859,8	332,3
11	Солиқ қарзи ҳосил бўлган	x	x	370,3	169,3

2-жадвал маълумотлари бўйича 2020 йилда ҚҚС тўловчилар сони 113566 та, 2023 йилга келиб 187868 та ташкил этиб, кескин ошганлиги қўрсатади. Жами товарларни (хизматларни) реализация қилиш айланмалари 2020 йилга нисбатан қариб 2 баравар ошиб, 2023 йил 6 ойликда 788114,1 млрд. сўмни ташкил этади. Бюджетга тўланган ҚҚС 2020 йилга нисбатан 2022 йилда 12326,4 млрд. сўмга кўпайиб, 2023 йил 6 ойликда ундирувчанлик 72,6 фоизни ташкил этади. Фикримизча бундай ўсишга қўшилган қиймат солиги занжирининг яхлитлигини ва узулуксизлигини таъминлаш мақсадида айrim имтиёзларнинг, масалан, дори воситалари, тиббиёт ва ветеринария хизматлари буюмлари ва хизматлари учун имтиёзларини бекор қилиниши сабаб бўлмоқда.

3-жадвал

Республика ва вилоятлар кесимида ҚҚС тўловчилар сони тўғрисида маълумот⁹

№	Худуд номи	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил
	Республика бўйича	8 329	10 807	12 775	85 481	113 566	143 034	14541 0	18154 4

⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

1	ҚҚР	314	563	855	5 468	6 418	7 472	8 696	9643
2	Андижон	635	819	$\frac{1}{116}$	5 836	7 770	9 232	10 985	12098
3	Бухоро	424	545	664	6 444	8 456	$\frac{1024}{3}$	11 362	12557
4	Жиззах	235	386	402	3 889	5 103	6 088	6 930	7669
5	Қашқадарё	462	579	685	7 139	$\frac{10}{665}$	$\frac{1371}{1}$	14 768	16281
6	Навоий	278	358	429	2 754	3 714	4 927	5 404	6009
7	Наманган	376	571	594	4 756	6 383	8 162	9 000	9960
8	Самарқанд	585	950	$\frac{1}{216}$	6 752	8 733	$\frac{1096}{8}$	12 152	13731
9	Сурхондарё	459	611	776	4 445	6 327	7 659	8 603	9559
10	Сирдарё	164	237	245	3 060	3 951	4 841	5 289	5868
11	Тошкент ви.	706	855	889	7 043	9 237	$\frac{1218}{7}$	13 579	15305
12	Фарғона	671	821	936	6 266	8 495	$\frac{1048}{8}$	12 232	13845
13	Хоразм	408	549	707	4 199	5 134	6 661	7 390	8322
14	Тошкент ш	2 612	2 963	3 261	1647 4	22 168	2934 7	33758	39629
15	MRI	0	0	0	956	1 012	1 048	1 056	1068

Ўзбекистон Республикада жами ҚҚС тўловчилар сони 2016 йилда 8329 та ташкил этган бўлса, 2023 йилда 173215 кўпайиб, йилдан йилга ошиб бормоқда. Шундан Қорақалпоғистон Республикасида, 2016 йилга нисбатан 2023 йилда 37017 тага ошган. ҚҚС тўловчиларнинг энг кўп қисми Тошкент шаҳрига фаолият кўрсатиб, 2016 йилга нисбатан 2023 йилда 37017 тага, шунингдек Андижон вилоятида 11463тага, Бухоро вилояти 11433 тага, Қашқадарё вилояти 15819 тага, Самарқанд вилояти 13146 тага, Тошкент вилоятида 14599 тага, Фарғона вилояти 13845 тага кўпайган. Шунингдек бошқа вилоятлар, жумладан Жиззах вилояти, Наманган вилояти, Сурхондарё вилояти, Хоразм вилоятида ҳам ҚҚС тўловчилари йилдан йилга ошиб бормоқда.

4-жадвал

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

Республикадаги жами соҳалар бўйича 2021-2023йилларда
айланма ва тўланган ҚҚС таҳлили¹⁰

млрд.сўмда

Т / р	Соҳалар	Айланма			Тўлаган ҚҚС			Айланма ва тўланган солиқлар ўзгаришидаги мувофиқлик			
		2021	2022	2023	2021	2022	2023	2022 й.	2023 й.		
					1	2	3	Айланма Сўзгариши, %	ҚҚС ўзгариши, %	Айланма Сўзгариши, %	ҚҚС ўзгариши, %
	Жами	1037 68,2	13955 28,6	1750 800,9	112 830, 5	113 265, 2	150 171, 8	34,4 7	0,3 9	25, 4	32,5 8
1	Ишлаб чиқариш	372 828	465 881	566 172	66 391	59 487	75 492	25,0	- 10, 4	21, 5	26,9

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

2	Қурилиш	106 228,4	141 912,9	155 394,6	7 053, 3	8 395, 6	9 774, 4	33,6	19, 0	9,5	16,4
3	Транспор т	81 426	103 353	166 245	6 703	7 971	12 285	26,9	18, 9	60, 9	54,1
4	Банк	65 082,8	94 003,5	104 348,1	3 948, 5	5 502, 7	7 681, 4	44,4	39, 4	11, 0	39,6
5	Сүгурта	2 362,8	4 484,6	5 754,0	108, 5	115, 1	277, 1	89,8	6,1	28, 3	140, 8
6	Қишлоқ хұжалиги	32 499,7	49 546,8	41 965,8	2 537, 4	2 765, 6	2 518, 8	52,5	9,0	-	-8,9
7	Пахта кластер	31 406,6	41 856,2	39 636,8	1 932, 7	2 915, 9	1 798, 6	33,3	50, 9	-	-
8	Савдо	276 058	396 935	521 161	11 709	14 507	18 068	43,8	23, 9	31, 3	24,5
9	Хизмат күрсатиши	66 385	88 871 447	138 164	8 375	9 381	15 33,9	14, 14,	55, 8	64,1	

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

10	Нодавлат нотижорат фаолият	2 771,7	3 641,4	4 132,7	756, 2	592, 6	1 566, 6	31,4	- 21, 6	13, 5	164, 3
11	Бюджет	719,6	5 043,0	7 543,6	3 526, 7	1 637, 8	5 330, 0	600,	- 53, 6	49, 6	225, 4

4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Республикада тўланган ҚҚС жами 2021 йилда 112830,5 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 113265,2 млрд. сўмни, 2023 йилда 150171,8 млрд. сўмни ташкил этиб кўпайган. Республикадаги жами соҳалар бўйича айланма ва тўланган ҚҚС ўзгаришидаги мувофиқликни таҳлил қилинганда, 2022 йилда айланма ўзгариши 34,47%ни ташкил этиб, 2023 йилда 25,46% камайган. Шулардан қурилиш соҳасида 2022 йилда айланма ўзгариши 33,6% дан 2023 йилда 9,5 %га, ҚҚС ўзгариши 2022 йилда 19,0 фоиздан, 2023 йилда 16,4 фоизга камайган. Шунингдек қишлоқ хўжалиги, пахтакластер соҳаларида ҳам пасайиш тенденцияларини кузатишимииз мумкин. Бундай ўзгаришларга ҚҚС қўшилган қиймат солиги ставкаси 15 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилиши, жаҳон бозорида пахта, дон ўғитларнинг нархи пасайиши, шунингдек об-ҳавонинг салбий таъсир кўрсатганлиги, харажатнинг ошиши ҚҚС тушумларини камайтирган. Транспорт соҳасида ҚҚС ўзгариши 2022 йилга нисбатан, 2023 йилда 54,1 фоизга, банк соҳасида 39,6 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасида 64,1 фоизга ошган. Фикримизча бундай ўсишга йирик солиқ тўловчиларга товарларни импорт қилишда қўшилган қиймат солиги тўлови ҳисобига бюджетдан қопланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиги суммаларини ўзаро ҳисобга олиш ҳуқуки берилиши сабаб бўлмоқда.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)

Хулоса қилиб айтганда, давлат бюджети даромадларини шакллантиришда эгри солиқлар алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан Давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлашда ҚҚС, акциз солиги ва бошқа тўловларни ўз вақтида ундиришни таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда ҚҚС республикамиз иқтисодиёти ривожлантириш давлат бюджетини шакллантириш учун катта аҳамиятга эга. Эгри солиқлар давлат

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

бюджетини даромадлар манбани оширишнинг барқарор базаси бўлиб, уларни ўз вақтиди ундирилиши ва бюджетга келиб тушишини таъминлаш лозим.

Давлат бюджети даромадларини ошириш мақсадида ҚҚС такомиллаштириш билан боғлиқ қуидаги бир қатор таклифларни амалиётга қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Давлат бюджети даромадларини ошириш учун эгри солиқлар, жумладан ҚҚС, акциз солиги, божхона божлари ва бошқа тўловларни белгиланган муддатларди тўлиқ солиққа тортиш давлат бюджетига вақтида келиб тушиши таъминлаш назоратни кучайтириш лозим.

2. Солиқларнинг йигилувчанлигини ошириш мақсадида муддатларида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар учун жарима микдорини ошириш лозим.

3. Инсофсиз солиқ тўловчиларнинг солиқ солинадиган базани камайтириб қўрсатиши ва асоссиз солиқ чегирмаларидан фойдаланиши солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларини бажармасликка олиб келади. Солиқ назоратида инновацион ёндашувлар ва илғор ракамли технологиялардан фойдаланиш солиқ тўловчилар томонидан соликдан бўйин товлашни, яширин иқтисодиёт ҳажмини камайтириш, эгри солиқларнинг фискал салоҳиятини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

4. Рақамли технологияларни янада ривожлантириш ҚҚС тўловчилари ва солик хизмати ўртасидаги мавжуд ўзаро хамкорликни такомиллаштириш анъанавий ҚҚСдан уни рақамлаштириш лозим.

5. Эгри солиқларни ҳисоблаш ва уни тўловини амалга ошириш бўйича интерактив ёндашувдан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқдир. Бу солиқ маъмурияти солиқларнинг тўғри ҳисбланиши ва тўланиши устидан солиқ назоратининг юқори натижавийлиги, холислиги ва ҳаққонийлиги, хуқуқубузарликларни олдини олишни таъминлайди. Натижада Ўзбекистон Республикаси бюджетига солиқлар тушумларини кўпайишига, ҳамда солиқ тизимини такомиллашувига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6.4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

2. “Рақамли иқтисодиёт ва электрон хукуматнинг ривожланиш ҳолатини рейтинг баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 15.06.2021 йилдаги 373-сон
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганилиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида 28.12.2023 йилдаги УРҚ-891-сон Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири)
4. С.К.Худойқулов. Солиқ тизими. Ўқув қўлланма. Тошкент – «Илм Зиё» 2012 йил-27 бет
5. Иловайский С. И. Косвенное налогообложение в теории и практике. – Пенза: РИО ПГСХА, 2010. – с 10.
6. Шовапский С.И. Косвенное обложение в теории и практике Одесса. 1892. с. 16.
7. Ю.Н.Шестакова, Н.Н. Тюпакова // Политехнический сетевой электронный научный журнал Кубанского государственного аграрного университета. – 2013. – № 92(08). – Режим доступа: <http://ej.kubagro.ru/2013/08/89>.
8. Черник Д. Г. Налоги: учеб. – М.: Финансы и статистика, 2009, с. 153. Ваҳобов, А.Жўраев. Солиқлар ва солиққа тортиш Дарслик /Ҳаммуал.: – Т.: “Шарқ” нашриёти – 2009 у. -400 бет.
9. А.Ҳ.Тошқулов, С.К.Худойқулов. Солиқ назарияси. Дарслик. Тошкент 2021 йил-290 бет
10. Яҳёев.Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Тошкент.: Fafur Ўлом, 2000. -32-33-б.
11. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. — Тошкент: «Академия», 2002. - 14-б.
12. Гадоев Э., Кузиева Н., Ашурев Н. “Солиқ сиёсати стратегияси” фани бўйича ўқув қўлланма. – Тошкент. - 2013. 102- бет.
13. Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. Монография. Тошкент.: Янги аср авлоди, -2002. -56- б.
14. https://www.norma.uz/raznoe/soliq_tizimi_muammolar_va_istiqbolla1
15. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва www.stat.uz сайти